

**МАҲСУЛОТ ОЛИШ ШАРТНОМАСИ № 002**

Конимех туман «SITORA O'G'ILOY KELAJAGI» ОҚ бундан буён "Сотувчи" деб юритилади) номидан Низом асосида фаолият кўрсатувчи раҳбар Д.А.Ганиев ҳамда иккинчи томондан Конимех туман Ободонлаштириш бошкармаси (бундан буён "Харидор" деб юритилади) номидан Низом асосида фаолият кўрсатувчи раҳбар: Ё.К.Самандаров ушбу шартномани куйидагича туздилар:

**I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ.**

1.1 Ушбу шартнома бўйича "Сотувчи" "Харидор" нинг буюртмасига асосан белгиланган товар маҳсулотларини етказиб беради. "Харидор" эса ушбу маҳсулотларни белгиланган тартибда қабул қилиб олади.

1.2 Товар "Сотувчи" нинг мулки ҳисобланади, у гаровга қўйилмаган ва учунчи шахснинг даъволаридан холидир.

1.3 "Сотувчи" ва "Харидор" учун: Шартнома иловаси ҳар сафар маҳсулот олинганда такдим этилади. (товарнинг номи, маркаси, артикули)

Т/р	Товар номи	Ўлчов бирлиги	Ҳажми (микдори )	Нархи	ҚҚС суммаси	Умумий суммаси
1	Цемент М-400	тн	20	795000	0	15 900 000
	<b>Жами</b>					<b>15 900 000</b>

Сумма: 15 900 000 (Ўн беш миллион тўққиз юз минг) сўм. (кейинги ўринларда "Товар" деб юритилади) ва унга оид ҳужжатларни "Харидор"га мулк қилиб топширади, "Харидор" эса мазкур шартнома шартлари асосида мазкур товарни қабул қилади ва ҳақини тўлайди.

**II. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.**

"Сотувчи"нинг мажбуриятлари:

2.1. Товарни ва унга оид ҳужжатларни ушбу шартнома шартлари асосида "Харидор"га топшириш.

2.2. Агарда шартнома шартларига мувофиқ деб топилса, товарни ташиб бериш.

"Харидор"нинг мажбуриятлари:

2.3. Товарни 1 кун муддатда кўздан кечириш. Товарнинг мазкур шартнома талабларига мос келмаслиги аниқланган тақдирда, "Харидор" шу муддатда "Сотувчи"га аниқланган номувофикликлар ҳақида маълумотномаларни акс эттирувчи хабарнома(рекламация) юборади.

2.4. Шартномада белгиланган нархларда товар ҳақини тўлайди.

### **III. ШАРТНОМА СУММАСИ ВА ХИСОБ - КИТОБ ТАРТИБИ.**

3.1. Мазкур шартнома суммаси 15 900 000 сум товарнинг ҳар бирлиги учун сўмда ҳақ тўланади.

3.2. Мазкур шартнома бўйича ҳисоб - китоблар пулни кўчириш йўли билан олдиндан 30 % маблағни тулов қабул қилинган пайтдан бошлаб амалга оширилади

3.3. "Сотувчи"нинг айби билан "Харидор" товарни кўздан кечириш имкониятига эга бўлмаган тақдирда, у товарни ҳақини тўлашни кечиктиришга ҳақли.

### **IV. ТОВАРНИ ТОПШИРИШ ШАРТЛАРИ.**

4.1. Ушбу шартнома шартларига мувофиқ товар сотув жойидан топширилади.

4.2. Товарни тасодифан нобуд бўлиши ёки тасодифан шикастланиш хавфи товар топширилган пайтдан бошлаб "Харидор"га ўтади.

4.3. Товарни топширишдан бошлаб келишилган муддатга қадар "Сотувчи" сифатига қафолат беради ва алмаштиришни ўз зиммасига олади.

4.4. "Харидор" товар маҳсулотларини қабул қилиб олишда товарларни тулик эмаслиги, сифатсизлиги аниқланган тақдирда ушбу маҳсулотларни қабул қилиб олмаслик ҳуқуқига эга.

### **V. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.**

5.1. Товарни топшириш муддатини бузганлик учун айбдор тараф иккинчи тарафга етказилган зарарни тўлик қоплайди ва 0,5% миқдорда жарима тўлайди:

5.2. Тўловни кечиктирилганлиги учун "Харидор" ҳар кечиктирилган кунга тўловни кечиктирилган сумманинг 0,5 % миқдорда, лекин ушбу сумманинг 50 % дан ошмаган миқдорда тавон (пеня) тулайди.

5.3. Боқимандани тўлаш тарафларни шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

5.4. Мазкур шартномада назарда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

### **VI. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШ.**

6.1. Ушбу шартнома юзасидан тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низо ва зиддиятлар тарафлар ўртасида музокаралар олиб бориш йўли билан хал этилади.

6.2. Музокаралар олиб бориш йўли билан низо хал этиш имконияти булмаган тақдирда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги асосида тегишли суд органларига мурожаат этилади.

## **VII. ФОРС-МАЖОР ВА ЖАВОБГАРЛИКДАН ОЗОД ЭТИШ.**

7.1. Томонларнинг хоши - истагига мутлақо боғлиқ бўлмаган ҳолларда (Нокулай об-ҳаво шароитлари, зилзила, сув тошқини ва бошқа табиий офатлар (форс-мажор) туфайли бажарилмаган ёки қисман бажарилмаган (етказиб берилмаган ёки тулаб берилмаган) лиги, шартнома шартларини ижро этиш бузилган деб ҳисобланмайди ва ушбу ҳолатда томонларни шартномани бажариш муддати келишилган муддатга кечиктирилади.

## **VIII. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ТАЛАБЛАР**

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 14.09.2021 йилдаги "Шартномавий муносабатларни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-6313-сонли Фармонининг 3-қисм в) бандига мувофиқ:

- ҳар бир томон, шу жумладан барча ходимлар, вакиллар, шунингдек улар томонидан жалб қилинган ёки улар номидан иш олиб борадиган бошқа шахслар, бошқа томонга, унинг ходимларига, вакилларига, потенциал ёки мавжуд мижозларга ва ҳар қандай тегишли ҳамкорларига, шунингдек, бошқа томон томонидан жалб қилинган ёки унинг номидан иш юритадиган бошқа шахсларга ("Иштирокчи Томонлар") моддий/номоддий рағбатлантириш, манфаат, тақдирлаш, таклифлар (шу жумладан, чекланмаган ҳолда, ҳар қандай тўлов шакли, совғалар ва бошқа мулкӣ имтиёзлар, мукофотлар ва манфаат (пул ёки ҳар қандай қиймат кўринишида)) бермасликни яъни, молиявий мукофот, мулк, мулк ҳуқуқини таклиф қилмасликни, бермасликни қафолатлайди ва шунга мажбур.

## **IX. БОШҚА ШАРТЛАР.**

9.1. Шартнома тарафларнинг ўзаро келишувига мувофиқ ёки бир тараф шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда иккинчи тарафнинг талаби билан фақат хўжалик судининг қарорига биноан бекор қилиниши ва ўзгартирилиши мумкин. Шартномани бир тарафлама бекор қилиш ёзма таклиф бериш йўли билан амалга оширилади. Таклиф олингандан сунг 30 кунлик муддат ичида унга жавоб олинмаган тақдирда шартномани ўзгартириш ва бекор қилиш ҳақидаги талабни судга тақдим этиши мумкин.

9.2. Тарафлар узларининг юридик манзиллари ва бошқа реквизитлари ўзгарганлиги ҳақида бир - бирларини 3 кунлик муддатда хабардор қилишлари шарт.

9.3. Шартномага хар кандай узгартириш ва кушимчалар ёзма равишда бажарилган ва тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган холдагина хакикийдир.

9.4. Шартнома икки нусхада тузилган булиб, иккаласи хам бир хил юридик кучга эга ҳисобланади ва тарафларга бир нусхадан бериледи.

9.5. Шартномага иловалар унинг ажралмас қисмини ташкил этади.

### Х. ШАРТНОМАНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ.

10.1. Шартнома тарафлар томонидан имзоланиб, Ҳазначилик булинмасидан рўйхатдан утган кундан бошлаб қонуний кучга қиради ва амал қилиш муддати 2022 йил 31 декабргача этиб белгиланади.

### ТАРАФЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ:

"Сотувчи"

"Харидор"

«SITORA O'G'ILOY KELAJAGI» YTT Ободонлаштириш

бошқармаси

X\p 20208000905104952001

Конимех туман Бунёдкор куч №15

"Микрокредитбанк" АТБ Кармана ф тел 79 512 27 14

МФО: 00211

xp 2340 2000 3001 0000 1010

ИНН: 306542247

ИНН 204563565МФО 00014

ИНПС:

ШХР

100022860122117065200110002

ОКОНХ: 79994

Конимех туман Ҳазначилиги



Рахбар

Д.А.Ганиев



Рахбар

Ё.К.Самандаров

	Hujjat <u>elektron raqamli imzo</u> orqali imzolangan. Elektron raqamli imzoning haqiqiyiligini tekshirish uchun <b>QR Code</b> ni skanerlang.	
	Imzolovchi F.I.SH.	YORQIN SAMANDAROV KALANDAROVICH
	Imzolangan sana	23.11.2022 14:09
	Hujjat kodi	UX7686821278
	Hulosa kodi	XC2156436284

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN  
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY  
XULOSA**

XC2156436284

1. Loyihaning turi : Shartnoma
2. Loyihaning nomi: **№002-raqamli mahsulot olish shartnomasi**
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: Konimex tumani Obodonlashtirish boshqarmasi tomonidan 23.11.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Konimex tuman  
yuridik markazi  
markaz rahbari:**



**O.S.ULUGOV**

23.11.2022